Уй-жой шартноларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги турар-жойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилиб, кўп болали оилаларга уй-жой ажратишда 16 ёшгача етти нафар ва ундан зиёд болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинди.

Қишлоқ жойлардаги кам таъминланган ва кўп болали

оилаларга қорамолни бепул бериш шартлари тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартиришга кўра, кўп болали оилаларга бепул қорамол берилишида вояга етмаган беш нафар ва ундан ортиқ болалари бўлиши лозимлиги талаби бекор қилинди.

“Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2020/2021 ўқув йилидан республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказилади.

Олий таълим муассасаси кенгаши қарори асосида: профессор-ўқитувчилар ОТМда 3 йил ишлаб беришини назарда тутуви шартномани расмийлаштириш ҳолда нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларда стажировка ўташи ва малака ошириши;

ўқитувчилар ОТМда 5 йил ишлаб беришини назарда тутуви шартномани расмийлаштириш ҳолда нуфузли хорижий олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасаларнинг докторантура дастурларида ўқиши мумкин.

2021 йил 1 январдан: ОТМ ҳузуридаги техникумларда ўқув машғулотларини

олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш ОТМ талабаларига дарс ўтганлиги учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш микдорларида амалга оширилади;

Таълим жараёнини ташкил этишда ҳафталик ўқув кунлари ОТМ томонидан мустақил белгиланади; ОТМда ташкил этиладиган якуний давлат аттестацияси комиссияси раислари тегишли ОТМ ректори (филиал директори) буйруғи билан тасдиқланади.

Ҳукумат қарори билан «Ўзбекистонда фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб қилинадиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда Ўзбекистон ҳудудига мобил қурилмалар чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлар мобил қурилмаларни республика ҳудудига олиб кириш санасидан қатъий назар, уларни рўйхатдан ўтказиш учун жавобгар бўладилар.

Суд қарорига кўра давлат эғалигига ўтказилган мобил қурилмалар IMEI-кодларини рўйхатдан ўтказиш учун давлат ижрочиси томонидан анкета ва суд қарори нусхаси тизим операторига тақдим эти-

лади. Шунга кўра, тизим оператори мобил қурилмаларни ариза келиб тушган кундан бошлаб, 3 иш куни мобайнида рўйхатдан ўтказилади.

Тизим оператори билан Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ўртасида суд қарорига кўра, давлат эғалигига ўтказилган мобил қурилмалар бўйича электрон ахборот алмашинуви амалга оширилади.

Шунингдек, агар мобил қурилманинг бир слотига тегишли IMEI-коди, 2019 йил 1 ноябрдан автоматик рўйхатдан ўтган ва базага киритилган бўлса, унинг бошқа слотидagi IMEI-коди қурилма эгаси томонидан қуйидаги ҳаракатлар бажарилганидан сўнг тизим оператори томонидан 3 иш соати мобайнида бепул амалга оширилади;

Мобил қурилма эгасининг тизим оператори ёки тизим рўйхатга олувчисига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан шахсан муурожаат қилиши, IMEI коднинг ушбу мобил қурилмага ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш учун мобил қурилма клавиатурасида #06# кодни ёзиб олинган IMEI коднинг экран тасвирини тақдим этиши керак.

Агар 2019 йил 1 ноябрдан кейин аризага асосан рўйхатга олинган бўлса, жараён 3 соат иш вақтида тўлов асосида амалга оширилади.

Аҳмад САДАТОВ, Бандихон туманидаги 9-сонли мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

ТАФАККУР ҲАЙРАТИ НИМАДА?

Давр мутафаккирларидан бири Айман Ёғийнинг китоб ҳақида шундай сатрлари бор: «Агар бирон нарсани йўқотиб қўйишдан хавотирлансангиз, китоб ичига аширинг, чунки биз китоб ўқишдан кўрақадиган халқимиз» Жаноб Ёғий айнан қайси халққа нисбат берганини билмадим, гап мусулмон дунёси ҳақида кетаётгани ҳақиқат. Ижтимоий тармоқларга бир назар солсангиз, исломий статусларни «байроқ» қилиб олган фойдаланувчилар гиж-гиж тиқилиб ётганига гувоҳ бўласиз. Статус соҳиблари эса кўпда тор фикрли аудиторияни ташкил қилади. Бу-факт! Яна бир қизиқ ҳолат, ҳозирги кунда ҳамма нарсани опкелиб динга тақаш айни аудитория иштирокчилари

орасида авж олди. Салгина акс фикр билдириб кўринг таом...

Худди шундай кайфиятдаги ва дунёқараётган инсонлар орасида ёт гоъларга берилиб кетаётганлар кўплиги ҳам кундай равшан. Энди ўйлаб кўринг, Ёғий жанобларидан келтирилган иқтибоснинг кўламини...

Японияда таҳсил олиб қайтган талабалардан бири шундай ҳикоя қилади: «Японияда мени энг ҳайратлантирган нарсаси - кутубхоналар ва ўқиш заллари олдидаги тирбандликлар бўлди. Гарчи бугунги кунда китобнинг электрон муқобили оммалашган бўлсада, уддабурон японлар ҳамон китоб мутоалаасининг аънавий кўринишидан вос кечишмаган.» Жаҳон статистикасига му-

жаат қиладиган бўлсақ, Финландия мамлақати кутубхоналар кўплиги бўйича дунёда пешқадам давлат экан. Финлар ортидан эса Германия ва Франция таъкиб қилиб келишмоқда. Кейинги учликнинг бири АҚШ, қолган икkitаси Жанубий Америка қитъаси вакиллари - Боливия ва Чили. Қитъаводоларимиз орасида эса лидерлик хиндистонликлар қўлида, ҳозирча. Энди мушоҳада қилиб кўринг. Юқорида номлари келтирилган мамлакатлардан биронтаси мусулмон давлати эмас. Шу ўринда газетхонлардан узр сўрайман, толерантликка путур етказиш ва янги нъюанслар кашф қилиш ниятида эмасман. Бу шунчаки статистик факт.

Усманий Султон Фотих Маҳмуд Босфор бўғозини кесиб

ўтиб, грекларга зарба беришда қизик бир ҳодиса бўлиб ўтади. Бўғозни қайиқда кесиб ўтиш вақтини султон айни ярим тунга белгилайди. Атрофда сутдек ёруғ. Ой нур сочиб турарди. Тун ярим бўлгунча эса атрофдагиларга миқ этмай нималарнидир чизиб, ёзиш ва ўлчаш ила машғул бўлади. Белгиланган вақт етиб келгач, ўзи бош бўлиб қайиқларни сувга туширади. Махсус қисм кўрфаз ўртасига яқинлашган сайн ой юзи қорайиб, атрофни зулмат қоплай бошлайди. Тўлиқ зулмат тушиб, то чекин-гунча қисм грекларни доғда қолдириб, нариги соҳилга ўтади ва ўз юришини зафарли яқунлайди. «Султонимизни Оллоҳ қўллади», -деб ёрга юмалаб ётган мулозимларидан бирини турғизиб, Султон Маҳ-

муд шундай савол беради: «Оллоҳ мўъжизага қодирми?»

Эсанқираган мулозим тасдиқ ишорасини қилгач, Султон ўз фикрларини зарифона ифодалайди: «Оллоҳнинг инсонга онг ато этиши ва онг кўзи ила иш юритишга қодир қилиши мўъжиза эмасми? Агар сенинг тафаккур кўзинг очик бўлганда эди, оддий ҳодисани илоҳийлаштирмаган бўлур эдинг» Сўнгра мулозимга қўлидаги фазовий ҳисоб китоблар чизмасини кўрсатади. Фотих Маҳмуд дунёвий билимга таяниб ой тутилиш вақтини олдиндан ҳисоблаб чиққан эди, холос. Буюк мутафаккир аждодларимизни эътироф этиб, мактанисини қойиллатамиз. Унутманг, ўша аждодларимиз умри китоб ва илм ила узвий боғлиқ бўлган.

Нафсиламбир айтадиган бўлсақ, инсонни тафаккурнинг юқори нуқтасига етакловчи восита фақатгина китоб бўла олади. Ҳайрат инсониятга яратган томонидан инъом этилган ҳис. Аслида нимадан ҳайратланамиз? Табиийки, биз учун жумбоқнома туюлган воқеа-ҳодисалар ҳайратимизга сабаб бўлади. Ҳақиқат эса ҳар бир ҳайрат жумбоғига қалит бўла олувчи воситадир. Китоб ўқинг, шунда тафаккур кўзи очила боришидан ҳайратлана оласиз.



СУД ОРГАНЛАРИДА САЙЁР ҚАБУЛ

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган судларнинг судьялари ва адлия бўлимлари томонидан жойларда фуқаролар қабуллари ташкил этилиб, аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар берилмоқда. Унда эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириб келаётган соҳа ходимлари «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар билан ишлашда янгича тизимни жорий этишган.

Бандихон туманида бўлиб ўтган қабул чоғида ҳам аёллар ўзларини қийнаётган уй жой, ажрим, алимент олиш масалаларда судьяларга муурожаат қилди.

Мулоқотда Фуқаролик, Иқтисодий ишлар бўйича Кумқўрғон туманлараро судлари, Жиноят ишлар бўйича Бандихон туман суди, Бандихон туман Адлия бўлими вакилларидан иборат ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Муротали АБДУМЎМИНОВ, Жиноят ишлари бўйича Бандихон туман суди раиси

Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11-ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисидаги аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 710-сонли қарорига асосан, Давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 24 декабрдаги 49-сонли қарори билан «Аҳоли пунктларида уй-жойларни рўйхатини тузиш бўйича» қўлланма тасдиқланди.



Сир эмаски, коронавирус пандемиясига қарши курашда шифокорларнинг хизматлари жуда қаттиқ бўлди. Бандихон туман тиббиёт бирлашмаси шифохонасида ҳам жонқуяр, тажрибали шифокорлар жуда кўп. Ана шундай шифокорлар-

ФИДОЙИ ШИФОКОР

дан бири Иброҳим Эшбоевдир. У 1949 йилда Шўрчи туманидаги «Оқпопчиғай» хўжалигида туғилган. 1972 йилда Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг даволаш факультетини тамомлаган. 1972-1992 йилларда собиқ Ленин йўли районига бош шифокор муовини бўлиб ишлаган. 1992 йилда Бандихон туман тиббиёт бирлашмаси - СЭСда бош шифокор вазифида фаолият юритган. 1995-2010 йилларда Бандихон туманида юқумли касалликлар бўлимида ишлаган. Шифокор 2020 йилдан бошлаб коронавирус пандемиясига қарши кураш «Мобил» гуруҳининг бошлиғи ҳисобланади. Рес-

публика Соғлиқни вазирилиги, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган. Яқинда кўп йиллик самарали меҳнатлари учун республика касабачи уюшмасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Табиатан меҳнаткаш инсондам олиш кунларига ҳовлисида мевали дарахларга ишлов беради. Фидоий шифокорнинг 5 нафар фарзанди бор. 14 та невараларининг суюкли бобоси. Кўплаб шогирдларга ўзининг маслаҳатларини бериб келаётган фидоий шифокорни тумандошлари жуда ҳурмат қилишади.

Чори ЭШҚОБИЛОВ, «Бандихон» маҳалласи

Бандихон туманида фаолият юритаётган Барча корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

2020 йил якуни учун тақдим этиладиган 1-КВ шакли (йиллик) давлат статистик ҳисоботини кичик корхона ва микрофирмалар 2021 йилнинг 26 февралдан кечиктирмай; 1-notijorat shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини нотижорат ташкилотлари 2021 йилнинг 14 февралдан кечиктирмай; 1-FX shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини фермер хўжаликлари 2021 йилнинг 25 февралдан кечиктирмай; 1-NNT shakli (йиллик) давлат статистик ҳисоботини жамоат бинолари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2021

йилнинг 2 мартдан кечиктирмай; 1-меҳнат шакли (йиллик) давлат статистик ҳисоботини 2021 йил 1 февралдан кечиктирмай интернет орқали тақдим этишлари шарт. Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни электрон тақдим этиш бўйича тушунтиришларни давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz ва вилоят статистика бошқармасининг www.surxonstat.uz сайтидан ёки туман статистика бўлимидан олишларингиз мумкин.

Бандихон туман статистика бўлими. Муурожаат учун телефон рақами: 99-379-43-77

Бандихон Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежини 2008 йилда битирган Юсупов Фурқатжон Абдухамидовичга К № 0991163 рақами диплом берилган. Бандихон Қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи 2019 йил 6 сентябрда ПФ 5812 сонли Фармонига мувофиқ, Қизилқум суғиш хўжалиги ва мелиорация коллежига айлантирилгани маълум қиламиз.

Фуқаролик ишлари бўйича Бойсун туманлараро судининг 2016 йил 24 августдаги буйруғига асосан, Бандихон туманида яшовчи Х. Ш. дан икки нафар вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланганди.

тўлаб қўйишлиги, акс ҳолда тўплаган ҳужжатлар судга тақдим этилиши тушунтирилди. Бундан тўғри хулоса чиқариб, бу пуллар бегонага эмас, балки ўзининг фарзандига бераётганлигини тушуниб етган ота жами алимент қарздорлигини тўлиқлигича, яъни 43

Турмуш чорраҳасида

ОТАДАН АЛИМЕНТ ПУЛЛАРИ УНДИРИЛДИ

Бирок фарзандлари олдида бурчини бажариб қўйишни унутган ота тўрт йил давомида алимент тўлашдан бўйин товляб, қочиб юрганлиги сабабли унга нисбатан қидирув ёрлон қилинган. Тезкор қидирув тадбирлари давомида Х. Ш.нинг бўлиб турган манзили аниқлиниб, ижро ҳаракларини давом эттириш учун давлат ижрочисига топширилган.

Бюронинг Бандихон туман бўлими давлат ижрочилари томонидан жавобгарга 2016 йилдан бери тўланмаган алимент қарздорлигини ҳисоблаб, уни

миллион 117 минг сўмини тўлаб берди.

Шунингдек, Бюронинг давлат ижрочиси томонидан расмийлаштирилган маъмурий баённома бекор қилиниб, алимент тўловчи отага нисбатан қонуннинг ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилди.

Қобилжон ТУРСУНОВ, МИБ вилоят бошқармаси қатта инспектори

Илҳом МАМАТҚУЛОВ, Мажбурий ижро бюроси Бандихон туман бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилиги томонидан 2017 йил 14 декабрда рўйхатдан ўтган 1551-сон билан рўйхатга олинган «Сун элита, элита ва кейинги авлодларга мансуб уруғлик пахта етиштириш хуқуқига эга бўлиш учун хўжаликлар ўртасида танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМИ» га асосан 2021 йил ҳосилдан сифатли уруғлик пахта тайёрлаш мақсадида фермер хўжаликлари ўртасида жойларда тендер танлови ўтказилади. Тендер танловида қатнашувчи фермер хўжаликлари 2021 йил 10 февралга қадар жойларда ташкил этилган танлов комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари шарт. 1.Тендер танлови комиссияси номига ариза ва 1-10 гача бўлган қуйидаги тегишли шакллар; 2.Фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қароридан нусха; 3.Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлимининг фермер хўжалиги даласи ҳар бир контурларнинг балл бонитети тўғрисидаги маълумотномаси; 3.Пахта етиштириладиган

майдон тўғрисидаги туман ҚХБ маълумотномаси; 4.Оқар сув таъминоти бўйича туман ирригация тизими бошқармаси маълумоти; 5.Фермер хўжалиғи раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисидаги дипломи тасдиқланган ҳолдаги нусхаси; 6.Фермер хўжалиғи раҳбарининг қишлоқ хўжалик соҳасидаги иш стаж ҳақидаги меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган ҳолдаги нусхаси; 7.Хўжаликда ишлаётган уруғчи агрономнинг маълумоти тўғрисидаги дипломи тасдиқланган ҳолдаги нусхаси; 8.Хўжаликнинг мажбурийларидан ҳоли бўлган банк ҳисоб варағида мавжуд пул маблағи тўғрисида банк маълумотномаси; 9.Хўжаликнинг техника воқеалари Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси туман бўлимининг техник кўригидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси ҳамда техникаларнинг техпаспорти нусхаси; 10.Сўнги 3 йил ичида пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича контрактация шартномаларининг бажарилиши тўғрисида туман статистика

бўлимининг маълумотномаси ҳосилдорлиги тўғрисида Сурхондарё Агрохизмат МЧЖ ва Бандихон Агрохизмат кооперация ва статистика бўлимининг маълумотномаси; 11.Сўнги 3 йил ичида пахта ҳосилдорлиги тўғрисида Сурхондарё Агрохизмат МЧЖ ва Бандихон Агрохизмат кооперация ва статистика бўлимининг маълумотномаси; 12.Фермер хўжалигининг мавжуд дебитор ва кредиторлик қарздорлиги тўғрисида туман ҚСХБ ва туман фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши маълумотномаси. Шунингдек, танловда иштирок этувчи фермер хўжалигининг ер балл бонитети 45 балдан паст бўлмаслиги, 3 йил давомида юқори ҳосил олганлиги талаб этилади. Танлов Бандихон туман қишлоқ хўжалиғи бўлими биносида бўлиб ўтади. Тендер ўтказиш куни қўшимча маълум қилинади. Белгиланган кунда танловда иштирок этмаган фермер хўжалиқларига уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқи берилмайди.

Туман тендер танлови ишчи гуруҳи

БАНДИХОН — ТАРИХИЙ ТЕПАЛИКЛАР МАКОНИ



датепада эрамиздан аввалги 1400-1000 йилларда ҳаёт қайнаган. Бу жой вақт ўтган, аҳоли томонидан ташлаб кетилган. Майдатепадан топилган сопол идишлар қўлда тайёрланган бўлиб, уларда қизил ва қора рангли нақшлар солинган. Кулол дастгоҳида тайёрланган идишлар ҳам учрайди. Бу тепаликдан бронзадан ясалган жуда кўп асори-атикалар ва безаклар топилган. Шиша мунчоқлар ва ҳайвонларнинг тошдан ясалган ҳайкалчаларини ҳам учратиш мумкин. Бошоқлар ва бугдой қолдиқларининг топилиши ҳудудда чорвачилик билан бир қаторда деҳқончилик билан ҳам шуғулланишганини кўрсатади.

Сурхон воҳаси қадимдан башариятга бешик бўлгани билан диққат-эътиборни тортади. Бандихон чўлларидидаги тепаликлар бу ерда бир замонар одамлар ўз қўрғонларини барпо этиб, умргузаронлик қилганлигини кўрсатади. Майдатепа, Бектепа, Киндиктепа, Қозимулладепа, Яланг тўштепа, Сарибанд ва қаҳрамонтепалар ана шундай қадимий аҳоли манзилларидандир. Бандихоннинг қадимий аҳоли манзилгоҳлари, асосан

кам сувли дарёлар оқимининг ўзгаришига қараб, бир жойдан иккинчи жойга кўчган. Қадимги бандихонликлар ярим кўчманчи бўлиб, чорвачилик ва қисман деҳқончилик билан шуғулланган. Тепаликлардан топилган сопол идишлар, турли буюмлар, ҳайкалча ва зеб-зийнат намуналарининг кулолчилик, заргарчилик, темирчилик ва бошқа ҳунарлар билан жиддий шуғулланганини кўрсатади. Ёдгорликлардан бири Май-

барпо этилган. Қалъа химояланмаган 13 гектарлик шаҳарча марказида жойлашган. Шаҳарчининг бир четиди-шимолий-ҳарбий томонида эса Киндиктепа мавжуд. Бу тепа ўрнидаги манзилгоҳ ҳам шаҳарчининг ажралмас қисми ҳисобланган. Аҳмонийлар даврига оид мазкур қалъа деворининг қалинлиги 3 метр келди. Қалъа ўртасида олов ёниб турган. Бу ерда оташпа-растарнинг диний маросимлари умумтаълим мактабини айроналик изларига қараганда, бу Александр Македонский қўшинлари томонидан вайрон қилинган.

Ялангтўштепадан 10 километр шимол-шарқда, Байсунсойнинг ўнг қирғоғида Сарибанд шаҳарчаси жойлашган. У қушонлар ва қушон-сонийлар даврига оиддир.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, Бандихондаги тепалик обидалари эрамиздан аввалги даврларда ва эрамизнинг дастлабки беш юз йиллиги ўрталаригача аҳоли яшаган муҳим манзиллардан бўлганлигини кўрсатади.

Интизор ЗОИРОВА



Раҳим ҚУРБОНОВ, 1-сонли умумтаълим мактабининг олий тоифали математика фани ўқитувчиси

Бахтиёр Хурсанов 1995 йил 10-сентябрда Бандихон туманида туғилган. 2011 йил ҳозирги Бандихон туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабини 9-синфни тугатиб, Бандихон қишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежининг "Компьютер инженеринг теҳниги" йўналишига ўқишини давом эттирди. Биринчи курсданок математика фани сирларини устози Музафар Гаффаровлардан

ўргана бошлади. У коллежлар ўртасида ўтказилган фан олимпиадасида кетма-кет фахрли 1-уринни эгаллаб, вилоят фан олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди ва фахрли ўринларни эгаллаб келди.

2015-2019-йилларда Термиз Давлат Университетининг физика-математика факультетининг математика таълими йўналиши кундузги бўлимини давлат гранти асосида тамомлади.

лиси Нозима Хурсановани бир йил мобайнида математика фанидан тест синовига тайёрлаб, Термиз Давлат университетининг амалий математика йўналишига ўқишга киришга эришди.

2020 йил 12-13 декабрь кунлари Термиз шаҳридаги 3-сонли умумтаълим мактабда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг

ЁШ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИСИ

2019 йил август ойдан бошлаб, Бандихон туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабиде математика фани ўқитувчиси лавозимида иш фаолияти бошлади. Шу қисқа давр мобайнида, кўплаб ўқитувчи ва ўқувчилар меҳрини, хурматини қозониб, математикадан ўқувчиларга тўғарак ва репетиторлик курсларини ташкил этиб, ёшларнинг математика фанига қизиқишларини ва билимларини ошириб келмоқда. 2020-2021 ўқув йилида синг-

узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган "Ўқитувчилар ўртасида математика фанидан республика олимпиадаси"нинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ушбу олимпиадада вилоятдан 320 нафар сара ўқитувчилар иштирок этди.

Иқтидорли ўқитувчи 2021 йил февраль ойда бўлиб ўтadиган ушбу олимпиаданинг республика босқичига йўлланма олди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ҲУҚУҚИЙ АСОС

Прокуратура воёга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш асосий вазифаларидан бири бўлган давлат органи саналади. Прокуратура органи тизимида воёга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, бола ҳуқуқлари, воёга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш ва профилактика қилишга доир қонунларнинг ижросини назорат қилиш бўйича махсус тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган.

"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди. Болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан,

спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аҳоли турар жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни ташкил этувчи марказий субъектлардан ҳисобланади. Қонунга мувофиқ, фуқаролар йиғини тегишли ҳудудда жамоат тартибини ва жамоат ҳафсизлигини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доир ишларда ва улар-

нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашди, ички ишлар органи таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитади.

Бош қомусимизнинг 13-моддасида "Инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" -деган сўзлар битилган. Жиний ҳақоратнинг либераллаштирилиши борасида амалга оширилган ишлар мазкур конституциявий қондининг ҳаётий исботидир. Айниқса, бу йўналишда воёга етмаганларга тай-

инландинган жазоларнинг либераллаштирилиши эътибор ва эътирофга молик.

Мажбурув чоралари воёга етмаган шахсга қўлланилганда, уни махсус ўқув тарбия муассасаларига жойлаштириш оқали олиб бориш тушунилмади. Яъни, махсус ўқув тарбия муассасасига жойлаштириш янаот содиқ этган, лекин жазодан озод қилинган воёга етмаган шахсининг оиладан ажратган ва уни устидан зарур назоратни таъминламайдиган махсус муассасага юбориш билан боғлиқ дейилади.

Азизбек АБДУСАМАТОВ, Сурхондарё вилояти юридик техникуми талабаси

СПОРТ-САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

чилари ўртасида «Спорт-соғлиқ гарови» мавзусида «Кувнок стартлар» спорт мусобақасини ташкил этишди. Мазкур беллашув якунида



мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари Ш.Хужамбердиев фаол иштирок этган ўқувчиларни мактаб маъмуриятининг

фахрий ёрликлар билан тақдирлади.

Анастасия САГИЛАЕВА

ВАТАН МАДҲИ

Эй озод Ватан. Жонажон Ватан. Бўлайлик дўстлар, Бир жону, бир тан.

Буюклар изи, Тупроғингда бор. Улардаги қон, Издошингда бор.

Жониндан кечиб, Бир жонинг бўлай. Тупроғинг ўлиб, Юзимга сурай.

Эй озод Ватан. Жонажон Ватан. Фарзандим деган, Мустақил Ватан.

ЎЗБЕКИСТОН

Алишмайман дунёларга, Ўзбекистон, Ўзбекистон. Жоним фидо шу Ватанга, Гуллаб яшна боғу- бўстон.

Тошкент шаҳри пойдеворинг, Сенга қалқон поспонларинг. Изи ўчмас буюкларинг, Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Шоҳлар юрти, шоир юрти, Дунёшунос олим юрти, Амир бобом курган юрти, Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Навоийдек улуғ шоир, Фарҳод- Ширин ҳамда Тоҳир, «Хамса» ёзган сенга шоир, Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Мухаммадчи Самарқандни, Ёзган эди Бобурингни. Дунё билар тарифингни, Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Юзта шоир камлик қилар, Шу бир юртнинг кучоғига. Жоним фидо, ўтмишингга, Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Куйлай сени, куйлай сени, Таърифингга тилим ожиз. Қандай таъриф қилай сени. Ўзбекистон, Ўзбекистон.

Рўзимурод РАВШАНОВ, "Зевар" маҳалласи

Юлдуз ҚОРЖОВОВА, 1-сонли МТТ тарбиячиси

Шахсининг ривожланишида узлуксиз таълим тизимининг биринчи бўғини бўлган мактабгача таълим тизимининг алоҳида ўрни бор. Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама билимли, зукко, баркамол бўлиши учун биз тарбиячилардан ҳар томонлама билимли бўлишимиз талаб этилади.

Тарбиячи-педагог болаларнинг шахс сифатида шаклланиши, ривожланиши учун ҳаракат қилади. Бунда боланинг диққати, хотираси, тафаккурини бойитиш жуда муҳим. Айниқса, боланинг нутқини шакллантириш, бойитиш жуда аҳамиятли. Боланинг нутқини тўғри шакллантириш учун оила, мактабгача таълим ташкилоти алоҳида эътибор қаратиши зарур. Оилада тўғри нутқни

БУВИЖОНИМ

Пахтадек оқ сочлари, Кўли дуода ҳар он. Энг қадри яқиним, Меҳрибоним бувижон.

Нур ёғилар юзидан, Сержанодир ҳар сўзи. Қалби азоб чекса ҳам, Кулиб туради кўзи.

Бизга меҳри бир дунё, Эзгуликни қўзлайди. Жонли тарихдек, гўё, Ҳикматлардан сўзлайди.

Йўқлаб борсак ёнига, Боши кўкка етади. Бироз сўхбат курсангиз, Фамлар ариб кетади.

Бахтимизга доимо, Бувижонлар соғ бўлсин, Дард кўрмасин сира ҳам. Ёши юзларга кирсин.

Ситора ШОЙДУЛЛАЕВА, "Бектепа" маҳалласи

БОЛА НУТҚИ БОШИДАН...



шакллантиришда ота-оналар болаларни эркалаб, бола билан тилини чучук қилиб гаплашади. Яъни, тўғри гапни тўғрича гапирмайдилар, болага ўхшатиб гапирмоқчи бўли-

шади. Биз ота-оналар болага тақлид қилиб, уларнинг нутқини нотўғри шакллантиришга сабаб бўлаемиз. Бундай ҳолатга асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки биз бу ҳолатда болани

БИЛИМ ВА МАДАНИЯТ УЙҒУН БЎЛСА...

Қонунчилик ва ҳуқуқий муносабатлар соҳасида бот-бот дуч келадиган икки жумла бор: «Қонунни билмаслик- жавобгарликдан озод қилмайди» ёки «Шикоят қилиш сизнинг ҳуқуқингиз».

Икки жумлага икки томонлама муносабат билдирадиган бўлсак, биринчи ҳолатда кўпроқ ижтимоий-маиший характерга эга муаммолар юзга чикқанда дуч келаемиз. Энди мушоҳада юрийтиб кўринг, жавобгарликка тортилаётган ва жавобгарликка тортиш ваколати бор шахсларнинг қонун ҳақидаги тушунчаси ва билимлари икки хил. Кўпгина ҳолатларда ваколатли шахс жавобгарга қонунни асослаб беришдан кўра айна соҳа вакиллари учун «тренд» га айланган жум-

ла билангина кифояланиб қўяди, холос. Қонунни билмаган жавобгар эса, оқибатларни тушуниб етади, бироқ, қонунга нисбатан ҳурмат эмас, балки, акс тушунчага эга бўлади. Тасаввур қилинг, қонун бузилиш ҳолатига йўл қўйган шахс ижтимоий ҳаётдан йироқ, сиёсий онги ривожланмаган бўлса, нима қилиши керак?.

Иккинчи ҳолатга эса биз кўпгина аҳоли муносабатлари билан ишловчи муассасаларда дуч келаемиз. Ҳўш, шикоят қилиш ҳуқуқим бор, деб арзи-мас муаммоларни ҳам «Халқ қабулхонаси» га кўтариб чиқиш жоизмикан? Афсуски, бугунги кунда айна ҳолат бот-бот такрорланиши оқибатида халқ орасида «порталчи» атамаси машҳурликка юз тутган-

дек, менимча. Энди йўлаб кўринг, ҳар икки ҳолатда ҳам қонун ва ҳуқуқ билимдонлиги икки тарафдан ҳам талаб қилинади. Олдики фуқаро, айна жабҳаларда бийрок савёрроқ тушунчали бўлиши мумкин, аммо қонун ва ҳуқуқ жабҳаларида фаолият юриятаётган шахслар етарлича билимга эга.

Биргина яхши муносабат, ажойиб тушунча бериш вазифасини ҳам ўтаб бериши мумкин. Унутманг, қонун биринчи галда инсон манфаатлари ус-туворлигини кўзласа, ҳуқуқлар эса жамиятдаги шахсининг эркинликларини кафолатлайди.

Бахтиёр МҲМИНОВ, Сурхондарё вилояти Термиз юридик техникуми талабаси

7 рақами ҳақида мўъжиза

Кўпчилик 7 рақамининг шайдоси. Кўпгина халқларда 7 сони ҳосиятли рақам ҳисобланади. Хуллас, ҳаётда шу рақам билан боғлиқ бир қанча ажойиботлар мавжуд. 7 кун, 7 мўъжиза, 7 ҳазина, 7 авлод, 7 клим, 7 ранг, 7 сайёра, 7 денгиз, 7 фарз ва бошқалар. Қуйида энг машҳур еттиликлар билан танишинг.

Қадимги дунё етти мўъжизаси:
1.Миср эромлари.
2.Бобил осма боғлари.
3.Артемида ибодатхонаси.
4.Галикарнас даҳмаси.
5.Зевс ҳайкали.
6.Родосдаги ҳайкал.
7.Искандария маёғи.

Янги дунё етти мўъжизаси:
1.Рим Колизейи;
2.Искандария ерости йўллари;
3.Буюк Хитой девори;
4.Авлиё София ибодатхонаси;
5.Стоунхенж иншооти;
6.Пиза минораси;
7.Нанжинг Будда ибодатхонаси.

Дунёнинг етти табиий мўъжизаси:
1.Эверест чўққиси;
2.Катта Барриер рифи;
3.Гранд Каньон дараси;
4.Виктория шарҳараси;
5.Рио де Жанейро бўғо-зи;
6.Парисутин вулкони;
7.Шимоллий кўллар.

Етти иқлим: экваториал, субэкваториал, тропик, субтропик, мўътадил, субарктик, арктик.

Етти ранг: оқ, сарик, қизил, қора, кўк, яшил, пушти.

Етти сайёра: Қадимги халқлар етти муқаддас сайёра инсон ҳаётига, тақдирига, ўзаро ҳаракатларига боғлиқ деб тушунганлар. Улар: Кўёш-Куч-хайрат рамзи; Ой -Дилбарлик рамзи; Марс -Жангу жадал тим-соли;

Меркурий -Донлик рамзи; Юпитер -Бахт рамзи; Венера -Севги рамзи; Сатурн -Деҳқончилик рамзи.

Маҳмуд АЛИ, журналист

"ЯНГИ БАНДИХОН" ГАЗЕТАСИ
МУАССИС:
Халқ депутатлари Бандихон туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги

Бош муҳаррир
РАЖАБОВ Алиёр МАХМУДОВИЧ

«Янги Бандихон» газетаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 25 мартдаги 11-076-сонли рақами билан рўйхатга олинган

«Янги Бандихон» газетаси ҳажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ.
«Янги Бандихон» газетаси «Денов босмахонаси» МЧЖда chop этилди.
Манзил: Денов шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, № 247 уй

Таҳририят газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи—**Шерали АЛИЁРОВ**

Манзилимиз: Бандихон тумани, «Бектепа» маҳалласи.
Тел: 90-521-02-27
1000 нусхда босилди.
Буюртма

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин